O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

N 14 (247) • 2010 йил 6 апрель

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 март куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари Сергей Ивановни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, жорий йил 29 март куни Москва метросида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлгани муносабати билан Россия Федерацияси раҳбарияти ва халқига яна бир бор ҳамдардлик билдирди. Президентимиз Ўзбекистон – Россия муносабатлари ҳақида тўхталар экан, бу муносабатлар кўплаб соҳаларда юксак даражада барқарор ривожланиб бораётганини таъкидлади.

«Халқларимиз ўртасидаги узоқ тарихга эга анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистонда юксак қадрланади. Ўзбекистон Россия билан икки ва кўп томонлама муносабатларнинг ҳали тўла ва самарали фойдаланилмаётган улкан салоҳиятини ишга солишга доимо тайёр. Шу боис ҳукуматлараро комиссиянинг бу галги мажлисини ҳамкорликнинг икки томон ҳам манфаатдор бўлган стратегик муҳим йўналишларини белгилаш учун яхши имконият, деб биламиз», деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик машинасозлик, энергетика, электротехника ва фармацевтика соҳаларини қамраб олган. Бунда нефть-газ, тоғ-кон ва металлургия саноати устувор йўналиш этиб белгиланган. Телекоммуникация, кимё, қурилиш, тўқимачилик ва сайёҳлик соҳаларида ҳам ҳамкорлик учун катта имкониятлар мавжуд.

Икки томонлама келишувга биноан, истиқболли йўналишларни ўзаро ҳамкорликда ривожлантириш имкониятларини белгилаб берадиган Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссияси фаолият юритмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Сергей Иванов самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси билан турли соҳаларда икки томонлама муносабатларни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида давлатимиз раҳбарининг Россия Федерациясига ташрифига тайёргарликнинг боришига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Пойтахтимизда 31 март куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссиясининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, энергетика, нефть-газ, мудофаа, банк-молия, савдо-саноат, геология, транспорт ва транспорт коммуникациялари, божхона, авиасозлик, машинасозлик ва гуманитар соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, комиссия ҳамраиси Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик деярли барча йўналишларда, жумладан, энергетика, авиасозлик, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда жадал ривожланиб бормоқда. 2009 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 4,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони саккиз юздан ошади. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган уч юз элликка яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистондан Россияга транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, асбоб-ускуна, пахта толаси, қора ва рангли металлар, пластмасса буюмлар ҳамда бошқа турдаги юқори технологияли маҳсулотлар экспорт қилинади.

Мажлисда томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, хусусан, ёқилғи-энергетика мажмуи, авиасаноат, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар каби соҳалардаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

– Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари турли йўналишларда изчил ривожланиб бормоқда, – деди Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Сергей Иванов. – Ўзбекистон Россиянинг ташқи савдо шериклари орасида етакчи ўринда туради. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, 2009 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ошди. Россия Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор.

ЎзА.

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ МОНИТОРИНГИ

2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида қонунлар ижроси мониторинги муаммоларини ўрганиш, мониторингнинг қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришдаги ролини оширишга бағишланган «Қонунлар ижроси мониторинги: назария ва амалиёт масалалари» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Анжуман тафсилотлари ҳақида Институтнинг гуруҳ раҳбари, юридик фанлар номзоди Раҳим ҲАКИМОВ гапириб берди.

– Мазкур конференция мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган қонунчилик фаолиятининг ва қонун ҳужжатлари ижроси механизмининг устувор йўналишларига мувофиқ ташкил этилди.

Конференцияни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад қонун ҳужжатлари мониторинги масалалари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг амалий ижроси билан боғлиқ муаммоларни депутатлар, Сенат аъзолари, ижро этувчи ҳокимият вакиллари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, адвокатура, нодавлат нотижорат ташкилотлари масъул ходимлари ва кенг жамоатчилик иштирокида илмий-амалий муҳокама қилиш ҳамда бу борада тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, уларнинг комплекслиги, уйғунлиги, долзарблиги ва амалга оширилаётган ислоҳотлар талаблари билан узвий боғлиқлиги мониторинги, қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижрочилар томонидан қўлланиш даражасини баҳолаш қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида зарур ижобий натижаларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Қонун ҳужжатлари мониторинги борасидаги фаолият кўп жиҳатдан иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислоҳотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган сифатли қонунларни қабул қилиш ва уларни самарали ижро этишга хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз.

Бугунги конференцияда Институтимиз томонидан қонун лойиҳаларини ҳар томонлама ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, ушбу лойиҳалар юзасидан эксперт хулосаларини тайёрлаш, амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини юритиш, шунингдек бу борада тўпланган бой амалий тажриба ҳамда ишлаб чиқилган услубиёт хусусида батафсил таҳлилий маълумотлар берилди. Хусусан, ўтган беш йиллик фаолият мобайнида Институт томонидан қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида 623 та эксперт баҳолари ва хулосалари тайёрланган, Ўзбекистон Республикасининг 24 қонунлари ижроси юзасидан мониторинглар ўтказилган, янги қонунлар моҳиятини кенг тушунтириш ҳамда миллий ва хорижий тажрибани қиёсий таҳлил қилишга бағишлаб, 57 та илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этилган ҳамда 52 та илмий-амалий қўлланмалар нашр этилди.

Шу ўринда Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бир гуруҳ вакилларининг яқинда Германия Республикасига қилган хизмат сафари самарали бўлганлигини ҳам таъкидламоқчи эдим. 22-29 март кунлари Институтимиз делегацияси Германия Адлия вазирлигининг таклифига биноан ушбу мамлакатнинг парламент палаталари – Бундестаг ва Бундесратда, Федерал канцлер идорасида, Гумбольд университетида бўлиб, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиб қайтдилар. Сафар якунлари бўйича германиялик ҳамкорлар билан келишув битимлари тузилди.

УШБУ СОНДА

1-бет Қонун ҳужжатлари ижроси ўрганиляпти

2-бет Статистика ҳисоботларига доир

3-бет Микромолия бозорида ишончли ахборот

4-бет Маслаҳатни юрист беради

$1 = 1553,70 сўм € 1 = 2276,17 сўм £1 = 2532,69 сўм ¥10 = 167,61 сўм

ҚУРУВЧИЛАР УЧУН ШАКЛ

1-КС (ОЙЛИК) ШАКЛ «ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА» ҲИСОБОТНИ ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА ТУШУНТИРИШЛАР

1-КС шакли бўйича ҳисоботни қурилиш пудрати шартномалари бўйича ишларни бажарадиган, мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахслар (кичик корхоналар ва микрофирмалардан ташқари), уларнинг алоҳида бўлинмалари тузадилар. Уни барча умумқурилиш ва ихтисослашган ташкилотлар, шу жумладан таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари; механизация бошқармалари; чуқур қидирув бурғулаши ва нефть ҳамда газни қидирув қудуқлари қурилиши билан боғлиқ бошқа ишларни, шунингдек капитал қўйилмалар ҳисобига барпо этиладиган нефть, газ ва иссиқ (термал) сувлардан фойдаланиш қудуқлари қурилишини амалга оширадиган ишга тушириш-созлаш, бурғулаш ташкилотлари тақдим этадилар. Буюртмачилар билан қурилиш пудрати шартномалари бўйича ишларни бажарадиган кўп йўналишли корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек бундай ишларни бажарадиган қурилишга тааллуқли бўлмаган ташкилотлар ҳам 1-КС шакли бўйича ҳисобот тўлдирадилар.

10-сатрда *ҳисобот берувчилар бош, бевосита ва ёрдамчи пудрат шартномалари бўйича ўз кучлари билан молиялашнинг барча манбалари ҳисобига,* ***қўшилган қиймат солиғисиз*** *амалдаги нархларда бажарган пудрат ишлари ҳажмини, шу жумладан фойдаланишга тайёр қилиб топшириш усули билан объектлар қурилишини кўрсатадилар. Унда пудрат ишларининг қиймати акс эттирилади, унга қурилиш-монтаж ишларининг (янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш), капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек бошқа пудрат ишларининг қиймати акс эттирилади. Ўз кучлари билан ўз эҳтиёжлари учун бажарилган (хўжалик усулида) қурилиш ишларининг ҳажми 10-сатрда акс эттирилмайди. Хўжалик усулида қурилиш харажатлари инвестицияларга киради ва 2-Инвест шакли «Молиявий бўлмаган активларга инвестициялар тўғрисида ҳисобот»да акс эттирилади.*

Шоссе хўжалиги корхона ва ташкилотлари 10-сатрда ўз кучлари билан бажарган, автомобиль йўллари, ўтказиш йўллари, автомобиль кўприклари, тунелларни янгидан қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва ўртача таъмирлаш бўйича пудрат ишлари ҳажмини акс эттирадилар. **Автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш бўйича ишларнинг ҳажми шоссе хўжалигига киради ва 10-сатрга киритилмайди.**

12 ва 15-сатрларга мелиоратив тармоқ ва гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш ишлари, мелиоратив тизимларни жорий ва капитал таъмирлаш, қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш объектларини жорий таъмирлаш ишлари тўғрисида тегишли маълумотлар ҳам киритилади.

17-сатрда 12 ва 15-сатрлардан аҳолининг буюртмалари бўйича турар жойлар (квартиралар) ва бошқа иморатларни капитал ва жорий таъмирлаш, шу жумладан якка тартибдаги уй хўжалиги ҳудудида электр, водопровод, канализация, иссиқлик ва газ тармоқларини таъмирлаш, тегишли ускуналарни ўрнатиш бўйича тегишли маълумотлар ажратилади.

18-сатрда 10-сатрдан **пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари томонидан объектларни фойдаланишга тайёр қилиб топшириш билан қуришда ўз кучи билан** бажарилган ишлар ажратилади, унда пудратчининг лойиҳада назарда тутилган ишларнинг бутун ҳажмини бажариш бўйича мажбурияти назарда тутилади, бунга махсус ва ишга тушириш-созлаш ишлари, объектни технологик ва муҳандислик ускуналари билан бутлаш киради ва тайёр қурилиш маҳсулотини бунёд этишнинг ягона узлуксиз комплекс жараёни сифатида амалга оширилади. Шунга эътибор бериш лозимки, 10 ва 18-сатрларда объектларни фойдаланишга тайёр қилиб топширишга асосланиб қуриш бўйича бажарилган ҳажм ускуналарни харид қилиш харажатлари ва бошқа капитал харажатларсиз акс эттирилади.



22-сатрда 10-сатрдан пудрат (ёрдамчи пудрат) ташкилотининг омбор ва бухгалтерия ҳисобида кирим қилинган, буюртмачидан (бош пудратчидан) олинган қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларнинг қиймати акс эттирилади. У топширилган материаллар қийматига пудратчининг «бошқа харажатлари»ни ҳисоблаб ёзмасдан кўрсатилади.

Пудратчининг ҳисоботида пудрат ишларининг бажарилган ҳажмини (шу жумладан объектларни фойдаланишга тайёр қилиб топширган ҳолда қуриш ишларини) акс эттириш учун Бажарилган ишларнинг қиймати тўғрисида маълумотнома-ҳисобварақ-фактурадан фойдаланиш мумкин, у ҳар ойда ҳисобот ойининг 27-кунигача бўлган муддатда тузилади ва расмийлаштирилади, бу эса **пудратчи томонидан ҳисоботнинг ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 2-кунидан кечиктирмай тақдим этилишини** таъминлайди.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси.

Расмий жавоб

УЛГУРЖИ САВДОНИ ЧАКАНА САВДОДАН АЖРАТИНГ



Ҳурматли таҳририят!

Газетангиз саҳифаларида («Норма маслаҳатчи»нинг 2010 йил 5-сони) 1-МБ статистик ҳисобот шаклини тўлдириш бўйича тушунтиришлар эълон қилинган эди. Ушбу тушунтиришларга амал қилиб, мен ўз статистик ҳисоботимни тайёрладим. Бироқ уни топшириш пайтида шаҳар статистика бошқармаси ходими билан ўртамизда 9-«Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар, ҚҚСсиз» бўлимини тўғри тўлдириш бобида ихтилоф юзага келди. Мен ишлаётган фирма савдо (улгуржи ва чакана) ва таъмирлаш-қурилиш ишлари билан шуғулланиши боис, 1-«Хизматлар ҳажми» устунида ялпи даромаднинг умумий суммасини ва қуйида сатрлар билан хизмат турларини бўлиб-бўлиб кўрсатдим, яъни:

улгуржи савдо бўйича – (ялпи даромад суммаси);

чакана савдо бўйича – (ялпи даромад суммаси);

асосий воситаларни таъмирлаш бўйича – (бажарилган ишлар ҳажми қийматининг суммаси).

Ушбу бўлимни тўғри тўлдирдимми? Ёки мен шаҳар статистика бошқармасининг ходими талаб қилганидек, реализация қилинган товарнинг ҳар бир гуруҳи бўйича ялпи даромад суммасини кўрсатишим керакми?

Олдиндан миннатдорчилик билдираман ва бу савол бўйича материалингиз газета саҳифаларида чоп этилишини кутиб қоламан.

Хусусий фирманинг бухгалтери.

– Хатингизни кўриб чиқиб, Давлат статистика қўмитаси қуйидагиларни маълум қилади.

Статистика ҳисоботининг тўлиқ бўлишини таъминлаш мақсадида савдо фаолиятини амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъектлари 1-МБ (йиллик) шакли «Микрофирма ва кичик корхонанинг ҳисоботи» 9-«Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар, ҚҚСсиз» бўлимида ялпи даромад суммасини улгуржи ва чакана савдо бўйича **алоҳида-алоҳида** кўрсатишлари керак.

Ихтисослаштирилган савдони амалга ошираётганда субъектлар ялпи даромад ҳажмини товарларнинг турлари (гуруҳлари) бўйича, ихтисослаштирилмаган савдони амалга оширганда – Фаолият турлари бўйича хизматларнинг умумдавлат таснифномаси (ФТХУТ)га кўра умумлаштирилган гуруҳлар бўйича кўрсатишлари керак.

Бундан ташқари, 1-МБ (йиллик) шаклининг 8-«Савдо» бўлимида улгуржи ва чакана савдо корхоналари ҳамда овқатланиш корхоналари товар оборотини (минг сўм) ва белгиланган рўйхатга кўра товарларнинг турлари бўйича натура кўрсаткичларини кўрсатадилар.

Айни вақтда тушунтирамизки, «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуннинг* 6-моддасига мувофиқ давлат статистика органлари олинадиган статистика маълумотларининг тўлиқлиги ва холислигини экспертиза қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эгадир.

Шуни таъкидлашни жоиз деб ҳисоблаймизки, уни қабул қилиш жараёнида давлат статистика ҳисоботининг экспертизаси статистика маълумотларининг ҳаққонийлигини ва уларни бузиб кўрсатишнинг олдини олишни таъминлайдиган муҳим профилактик чора ҳисобланади.

Шу билан бирга, ҳисобот берувчи субъектлар давлат статистика органлари ходимларининг ҳаракатларига қўшилмасалар, уларга Давстатқўмнинг **150-51-03** ва **150-51-04** рақамли «ишонч телефонлари», шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри статистика бошқармаларининг «ишонч телефонлари»га мурожаат қилишларини тавсия қиламиз.

Қ.ХУДОЙҚУЛОВ,
Давстатқўмнинг раис ўринбосари.

**2002 йил 12 декабрдаги 441-II-сон.*

Таҳририятдан: *таҳририятга хат йўллаган муаллиф ўз исми, фамилияси, фирма номини кўрсатмаганлиги муносабати билан унинг вазиятидан келиб чиқиб, янада аниқроқ жавоб беришнинг имконияти бўлмади. Газетага мурожаат қилаётганда ўзингизнинг шахсий маълумотларингиз ва ташкилот реквизитларини кўрсатишингизни сўраймиз. Сизнинг илтимосингизга кўра таҳририят уларни ошкор этмасликка ҳақлидир (2007 йил 15 январдаги ЎРҚ-78-сон Қонун таҳриридаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддаси). Акс ҳолда биз имзосиз хатларга жавоб бермаслик ҳуқуқига эгамиз.*

УШБУ СОНДА:

❒ **УСТУВОРЛИКЛАР**
– Оқсаройда қабул
– Ҳукуматлараро комиссия мажлиси
– Қонунлар ижроси мониторинги *1-бет*

❒ **СТАТҲИСОБОТ**
– Улгуржи савдони чакана савдодан ажратинг *2-бет*

❒ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Микрокредит ташкилотлари салоҳияти мустаҳкамланади
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз *3-бет*

❒ **БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР**
– Карточка бизнеси *4-бет*

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
– «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори
– «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш якунлари тўғрисида».

Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:
– Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори;
– Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори. *5-6-бетлар*

❒ top *7-8-бетлар*

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ САЛОҲИЯТИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Микромолия бозори шаффофлигини таъминлашда ишончли ахборотнинг аҳамияти каттадир. Тошкентда Ўзбекистон микромолия ташкилотлари учун молиявий ҳисоботни MIX Market глобал ахборот платформасига топшириш бўйича тренинг бўлиб ўтди. Мазкур тренинг республика Марказий банки, Ўзбекистонда БМТ Тараққиёт Дастурининг «Микромолиялаштириш тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш» қўшма лойиҳаси, Техник ҳамкорлик бўйича Германия жамиятининг (GTZ) лойиҳаси ҳамда Микромолиявий ташкилотлар ва кредит уюшмаларининг миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Бугунги кунда жаҳон микромолия секторининг барқарор ўсиш ва шаффофликка эришишида микромолия ташкилотлари (ММТ) фаолияти тўғрисида ишончли маълумот танқислиги, хусусан ишончли молиявий ҳисоботнинг етишмаслиги асосий тўсиқ бўлиб ҳисобланади. Маълумотлар танқислигини бартараф этиш ва ММТ ҳамда инвесторлар, шунингдек микромолия бозори бошқа қатнашчилари, масалан жамоат ва хусусий фондлар, ММТ тармоқлари, рейтинг агентликлари ҳамда давлат органлари ўртасида самарали алоқаларни йўлга қўйиш мураккаб вазифа саналади. Қайд этиш жоизки, мазкур маълумотнинг етишмаслиги, энг асосий масала – ММТ ва салоҳиятли инвесторлар ўртасида узоқ муддатли муносабатларни ўрнатишга тўсқинлик қилади ва пировард натижада инвестициялар оқимига таъсир кўрсатади.

Микромолия тизимидаги бу муаммони бартараф этиш ҳамда ММТларнинг инвесторлар билан алоқасини яқинлаштириш мақсадида MIX Market глобал ахборот платформаси ташкил этилган. Мазкур платформа тизим қатнашчилари ва кенг оммага ММТ ҳақида, ММТга инвестиция қўювчи хусусий ҳамда жамоат фондлари, микромолия тармоқлари, рейтинг агентликлари, шунингдек мувофиқлаштирувчи муассасалар ҳақида бутун дунё бўйлаб маълумотни тақдим этиш орқали микромолия тизимининг ўсишига кўмаклашади. MIX Marketнинг асосий вазифаси ММТларни бутун дунё бўйлаб салоҳиятли инвесторлар ва донорлар билан яқинлаштирувчи шаффоф ахборот платформасини яратиш ҳисобланади, бу эса инвестициявий ҳамда ахборот оқимлари ўсишига кўмаклашади. Бугунги кунда MIX Market бутун дунёда 1 400 дан ортиқ ММТ, 100 инвестор ҳамда 200 га яқин бозорни қўллаб-қувватлаш тузилмаларига оид профиллар, яъни умумий маълумотлар, алоқалар, молиявий кўрсаткичлар, шунингдек, аудит натижалари ва рейтингларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, MIX Market бозор қатнашчиларига бой маълумотларни тақдим этади, жумладан, жаҳон микромолия бозори ҳақида долзарб статистикани, мамлакатлар ва регионлар бўйича қиёсий кўрсаткичларни, трендлар ҳамда кўрсаткичлар таҳлилини, шунингдек тизимни эталон кўрсаткичлари асосида ММТларни солиштириш имконини тақдим этади.

MIX Market мутахассислари бутун дунё бўйлаб маълумот йиғиш билан шуғулланадилар ҳамда ишончсиз маълумотни бартараф этиш мақсадида чуқур таҳлиллар олиб боришади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда расман рўйхатга олинган 103 та кредит уюшмаси ва 32 та микрокредит ташкилоти фаолият кўрсатиб, уларнинг 5 таси ташкилот ўз профилларига эга, улар MIX Market ресурсларидан фойдаланадилар. Мазкур платформанинг долзарблиги ҳамда тизимни ривожлантиришда унинг ҳиссасини эътиборга олиб, маҳаллий ММТларни MIX Market билан таништиришга қаратилган ташаббусларни олиб бориш жуда ҳам зарур. Бунда мазкур платформага ахборот ва ҳисоботни тақдим этиш афзалликлари ва сарф-харажатлар, шунингдек корпоратив профилларни яратиш усуллари қўлланади. Ўзбекистон ММТ салоҳиятини мустаҳкамлаш ва микрокредит ташкилотлари мустаҳкам тизимини яратиш бўйича ташаббус доирасида БМТТДнинг «Микромолиялаштириш тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси ҳамда GTZнинг минтақавий лойиҳаси томонидан MIX Marketга молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича ўтказилган мазкур тренингда MIX Market ҳақида, ҳисоботни тақдим этиш билан боғлиқ имкониятлар, донорлар билан алоқалар ўрнатиш усуллари, ММТ профилини яратиш, шунингдек солиштирма таҳлилни олиб бориш сингари масалалар хусусида тўхтаб ўтилди. Тренинг интерактив режимда ўтказилиб, қатнашчилар платформанинг иши билан танишиш, шунингдек ММТ профилини яратиш бўйича амалий топшириқларни бажариш имконига эга бўлдилар.

***

Микромолия ташкилотларини солиққа тортиш бўйича тренинг ҳам юқорида номи келтирилган халқаро ташкилотлар, давлат органлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Республикамизда олиб борилган солиқ ислоҳотлари натижасида 2008 йилда БМТТДнинг фаол кўмаги билан Солиқ кодексининг янги таҳрири ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Мазкур ислоҳот жисмоний ва юридик шахсларни солиққа тортиш тартибига сезиларли ўзгартишлар киритди. Шунингдек, қўшимча қиймат солиғи, солиқ имтиёзлари, ер солиғи ва мажбурий ажратмалар соҳасига салмоқли янгиликлар киритилди. Солиқ кодекси моддаларидаги ноаниқликлар ва турлича талқин қилишлар олди олинди.

Мазкур тренингда микромолия ташкилотлари вакилларининг билимларини ошириш, солиқ соҳасидаги ўзгартишлар ҳамда янгиликлар билан яқиндан таништиришга аҳамият қаратилди. Бундан ташқари, ММТларни солиқ органлари томонидан текшириш, солиқ қонунчилигини бузганлик учун жарима ва санкциялар қўллаш ҳамда камерал назоратнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунчалар берилди.

Бу ўқув машғулоти ҳам интерактив шаклда ўтиб, тренерлар амалий машғулотлар ҳамда ММТ вакилларини қизиқтирган долзарб масалалар муҳокамасига алоҳида эътибор қаратдилар.

Тадбир материаллари билан танишиш ҳамда қўшимча маълумот олиш учун www.undp.uz, www.cbu.uz сайтларидан фойдаланиш мумкин.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРАМИЗ

Президентнинг 2010 йил 23 мартдаги «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида» ПҚ-1306-сон қарори билан 2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури маъқулланди *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).* Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади: 2010 йилда маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 1,45 баравар ўсишини назарда тутувчи саноат маҳсулотлари асосий турларини ишлаб чиқариш ҳажмининг мақсадли параметрлари ва маҳаллийлаштириш даражаси; тайёр маҳсулот турлари, бутловчи узеллар ва деталлар, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг жорий йилга ўтувчи ва янги лойиҳаларининг рўйхатлари, шунингдек уларнинг мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзлаштиришга тавсия этилаётган турлари рўйхати.

Президентнинг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон қарорининг 3-бандида назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиши янги маҳаллийлаштириш лойиҳаларидаги рўйхатларга киритилган корхоналарга, лойиҳалар белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилгандан сўнг, Махсус идороларо комиссиянинг қарорларига биноан 2012 йилнинг 1 январигача бўлган даврга жорий этилади.

ЛОЙИҲАВИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 мартдаги «Республика лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 50-сон қарори билан «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси ва тегишли лойиҳа-қидирув ташкилотлари акциядорлари (қатнашчилари) умумий йиғилишларининг «ЎзЛИТТИ» ЁАЖ ва «Тошуйжойлойиҳа» ОАЖни бирлаштириш йўли билан «ТошуйжойЛИТИ» ОАЖга; «Донлойиҳа» МЧЖ ва «Ўзмевасабзавотузумсаноатлойиҳа» МЧЖни бирлаштириш йўли билан «Ўзагросаноатлойиҳа» МЧЖга; «Ўзрангметлойиҳа» ОАЖ ва «ЎзГЕОТЕХЛИТИ» ДУКни бирлаштириш йўли билан «ЎзГЕОРАНГМЕТЛИТИ» ДУКга; «ZPLITI» ЁАЖ ва «O`ZGASHK» ДУКни бирлаштириш йўли билан «ЎзГАШКЛИТИ» ДУКга **қайта ташкил этиш**; «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ОАЖни давлат унитар корхонасига **айлантириш тўғрисида таклифи қабул қилинди.** Уларнинг рўйхати ҳамда улар кўрсатадиган хизматлар қарорга 1-иловада келтирилган.

Белгиланишича, «Давархитектқурилиш» қўмитаси «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзГЕОРАНГМЕТЛИТИ» ДУК ва «ЎзГАШКЛИТИ» ДУКнинг муассиси ҳисобланади. Унга: ушбу ташкилотларнинг тузилмаси ва уставларини тасдиқлаш; Давлат мулки қўмитаси ва қарорга 1-иловада кўрсатилган лойиҳа-қидирув ташкилотларининг акциядорлари (қатнашчилари) билан биргаликда лойиҳа-қидирув ташкилотларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этиш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш; уларни соҳа бўйича олий маълумотли ҳамда лойиҳалаш ишларида камида 5 йиллик амалий тажрибага эга бўлган раҳбар ва муҳандис-техник ходимларнинг пухта танланишини назарда тутган ҳолда тажрибали ва юқори малакали кадрлар билан таъминлаш топширилди.

Шунингдек **архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар бериш учун 2010 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритиладиган давлат божлари миқдорлари тасдиқланди.** Ҳужжат билан бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

ТИЗИМ ИЧИДА ЕТКАЗИБ БЕРИШДАН АЖРАТМАЛАР

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 19 мартда 2088-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан Республика йўл жамғармасига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби ҳақидаги низом тасдиқланди. Чунончи, Низомнинг иловасида кўрсатилган корхоналар ўртасида табиий газни етказиб бериш тизим ичида ҳисобланади, шу жумладан, нефть ва газни қазиб олувчи корхоналардан газни қайта ишловчи ва газ транспорти корхоналаригача, шунингдек газни қайта ишловчи корхоналардан газ транспорти корхоналаригача етказиш. Белгиланишича, «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни пировард истеъмолчига етказиб берилган табиий газ ҳажмидан, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегириб ташлаган ҳолда ҳисоблайди ва тўлайди.

2010 йил 29 мартдан кучга кирди.

СОФ ҚЎШИМЧА ФОЙДА ҲАҚИДА

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2010 йил 25 мартда 1908-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан «Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ «соф қўшимча фойда» атамаси остида қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар чегирилиб ташланган ҳисобот давридаги қўшимча фойда суммаси тушунилади. Белгиланишича, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқаришда соф қўшимча фойда суммаси солиқ солинадиган базага қўшилмайди.

2010 йил 4 мартдан кучга кирди.

* * *

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2010 йил 25 мартда 1909-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Низомга киритилган «соф қўшимча фойда» атамаси остида қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар чегириб ташланган ҳисобот давридаги қўшимча фойда суммаси тушунилади. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқаришда соф қўшимча фойда суммаси солиқ солинадиган базага қўшилмайди.

2010 йил 4 апрелдан кучга кирди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 20 мартдан 26 мартгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 12-сони асосида тайёрланди.

ЭЛЕКТРОН ҲАМЁНДАН АЛИМЕНТЛАР

1. Почта орқали ўз пластик карточкамдан болаларимга алиментлар пулини ўтказишим мумкинми? Агар мумкин бўлса, бунинг учун мен қандай ҳужжатларни тақдим этишим керак? Агар мумкин бўлмаса, нима учун?

2. Укам Тошкентда ўқийди. Почта орқали ўз пластик карточкамдан унга пул жўната оламанми?

Юқорида кўрсатилган ҳоллар нақд пул маблағларининг банкдан ташқари обороти ҳисобланмайдими?

А.Тоҳиров.
Наманган вилояти.

– Йўқ, сиз пластик карточка ёрдамида почта орқали болаларга алимент ҳам, укангизга пул ўтказмаси ҳам жўната олмайсиз. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомга*, Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида низомга** *(бундан кейин – 1344-сон Низом)* мувофиқ, пластик карточкалар **жисмоний шахслар** билан **уларга хизматлар кўрсатадиган юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар** ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар чоғида қўлланилади.



«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомнинг*** 7-бандига мувофиқ, почта алоқаси хизматлари кўрсатилишини ташкил этиш мақсадида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмалари хизмат кўрсатувчи банкларда талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларини очадилар. Унинг 14-бандида эса ўтказма ҳисобварақларига пул маблағларининг келиб тушиш манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланиши кўрсатилган:

а) жисмоний ва юридик шахслардан пул ўтказмаларини қабул қилишдан олинган **нақд пул маблағлари;**

б) коммунал ҳамда бошқа турдаги хизматлардан фойдаланганлик учун тўлов сифатида жисмоний шахслардан қабул қилинган нақд пул маблағлари ҳамда бошқа тўловлар;

в) даврий нашрларга обуна бўлиш учун обуначилардан нақд ва/ёки нақд пулсиз шаклда келиб тушган пул маблағлари;

г) «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг таркибий бўлинмалари томонидан почта тўлови давлат белгилари, конвертлар, очиқ хатлар ва бошқа товарларни сотишдан тушган нақд ва/ёки нақд пулсиз шаклда келиб тушган пул маблағлари;

д) **юридик шахслардан ижтимоий аҳамиятга эга пул ўтказмалари** (иш ҳақи, моддий ёрдам, алиментлар ва бошқалар) **тўлови учун нақд ёки нақд пулсиз шаклда олинган пул маблағлари;**

е) пенсия ва ижтимоий нафақаларни ўз вақтида тўлаш учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмаларининг кассасига тушган нақд пулларни фармойиш асосида почта алоқаси боғламалари ва бўлимларига тақсимланган, илгари тўланган пул маблағларини қоплаш мақсадида, махсус пенсия ҳисобварағидан келиб тушган нақд пулсиз маблағлари;

ж) пул ўтказмаларининг тўлови суммаси қабул қилинган суммадан ошганда ёки пул ўтказмаларининг қабул қилинган суммаси уларнинг тўлови суммасидан ошганда ўтказма ҳисобварақларини тўлдириш учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмалари ўтказма ҳисобварақларидан келиб тушган нақд пулсиз маблағлари;

з) курс фарқидан кўрилган зарарни қоплаш учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағидан, валюта ўтказма ҳисобварақларидаги чет эл валютаси қолдиқларини ҳар ойлик қайта баҳолаш натижасида салбий курс фарқи ҳосил бўлганда ўтказиладиган пул маблағлари;

и) лимитдан ортиқча бўлган касса қолдиқлари кўринишидаги нақд пул маблағлари.

Рўйхат батафсил ҳисобланади ва почта пул ўтказмаларини жисмоний шахслардан нақд пулсиз шаклда қабул қилиш имконини берадиган меъёрларга эга эмас. Бинобарин, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг таркибий бўлинмалари уларни фақат нақд шаклда қабул қила оладилар.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар орқали амалга оширилади *(1995 йил 21 декабрдаги 154-I-сон «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонун 36-моддасининг иккинчи қисми)*. Шу боис, агар сиз пул маблағларини (алиментлар ва бошқа) нақд пулсиз шаклда ўз пластик карточкангиздан ўтказишни хоҳласангиз, у очилган банкка ўз банк ҳисобварағингиздан олувчининг банк ҳисобварағига ўтказиш учун мурожаат қилишингиз керак.

Елена ЕРМОХИНА,
«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.

**МБ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

***МБ бошқарувининг АВ томонидан 2004 йил 30 апрелда 1344-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

****МБ, МБ бошқаруви ва ЎзААА нинг АВ томонидан 2008 йил 14 апрелда 1790-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

*****МБ бошқаруви ва ДСҚнинг АВ томонидан 2009 йил 27 июлда 1986-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

КАРТОЧКА БИЗНЕСИ

Бизнинг компаниямиз – Интернет-провайдер ўзининг Интернет-карточкаларига эга. Дилерлар билан ўзаро муносабатларимизни тўғри қуришда бизга ёрдам берсангиз. Айтайлик, карточканинг чакана нархи 2 500 сўм – уларни шу нархда компания офисида сотамиз, у қатъий белгиланган чакана нарх ҳисобланади. Дилер карточкаларимизни 2 500 сўмга сота олиши учун унга харидда чегирма қилишга ҳақлимизми? Биз чегирма фоизини харид ҳажмига боғлиқ ҳолда кўпайтира оламизми? Ҳисобварақ-фактурани қайси суммага ёпишимиз керак – чегирмани ҳисобга олган ҳолда дилердан келиб тушган суммагами ёки карталарнинг чакана қийматигами?

МЧЖ бош директори.

– Дилерлар – Интернет-карталарнинг реализаторлари билан ўзаро муносабатлар (ўзаро ҳисоб-китоблар) шартларини тарафлар мустақил равишда белгилайдилар ва шартномада мустаҳкамлайдилар.

Тўлов карталарини *(Интернет-карталар, уяли алоқа ҳақини тўлаш карталарини)* реализация қилувчи дилерлар билан ҳисоб-китоблар амалиётида бўнак тўловлари (кафолатли тўлов)-дан фойдаланилади. Уларнинг миқдори карталарнинг номинал қиймати – картада кўрсатилган қиймат бўйича белгиланади ва харидорнинг кўрсатилган қийматга *(масалан, 2 500 сўм)* Интернет-хизматлар олиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Ўзаро ҳисоб-китобларнинг мазкур усулида тарафлар ҳаракатларининг кетма-кетлиги қуйидагича:

дилер карталар олишга буюртманома бериб *(унинг шаклини компания белгилайди)*, уларнинг миқдори ва номинал қийматини кўрсатади;

буюртманома асосида компания кафолатли тўлов суммасини белгилайди ва дилерга тўлов ҳужжати (счёт)ни тақдим этади;

тўлов келиб тушганидан кейин карталар дилерга берилади *(юкхат, қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича)*.

Кафолатли тўловни тўлаш ва дилерга карталар бериш муддатларини ҳам шартномада белгилаш керак.

Агар бу шартнома шартларида назарда тутилган бўлса *(масалан, карточкаларнинг йирик туркуми харид қилинаётганда)*, компания карталарни дилерларга чегирма билан (номиналдан паст нархда) реализация қилиши мумкин. Бу ҳолда сиз пировард харидорга карточкада кўрсатилган суммада (номинал бўйича) хизмат кўрсатасиз. Чегирма суммаси сизнинг ташкилотингиз учун – қўшимча харажатлар, сизнинг дилерингиз учун эса – қўшимча даромад. Дилерга чегирмани ҳисобга олган ҳолда ҳисобварақ-фактура ёзилиши керак.

Жавоб «Norma Ekspert» гуруҳи мутахассислари томонидан тайёрланди.

Хорижий тажриба

ДАВЛАТ ИНТЕРНЕТГА МУРОЖААТ ҚИЛЯПТИ

Кейинги 15-20 йил ичида дунёнинг турли мамлакатларида давлат органлари ишини яхшилаш мақсадида икки жараён фаол тарзда бормоқда:

ислоҳотлар натижасида амалдорлар сони қисқаряпти, уларнинг масъулияти, малакаси ошяпти, улар томонидан «Ҳукумат – ўзи учун эмас, ҳукумат – халқ учун» қоидасига кўра вужудга келаётган янги муаммоларга тезкор ва самарали муносабат билдириляпти;

давлат органларини ахборотлаштириш, унинг асосий мақсади – фуқароларга турли давлат идоралари тақдим этадиган хизматларни сиртдан, Интернет тармоғи воситасида олиш имконини бериш. Бундан ташқари, фойдаланувчи нафақат қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар билан танишиш, балки ҳужжатларни масофадан туриб расмийлаштириш (олий мақсад – Интернет орқали овоз беришга ҳам) имкониятига эга бўлиши керак.

РЕЖА БИЛАН СОЛИШТИРАМИЗ

Россияда «электрон ҳукумат» барпо этиш давлат дастури 2007 йилда ишга туширилди. Унда назарда тутилган янги тизимга ўтиш режаси 5 босқични ўз ичига олади:

1-босқич: Иқтисодий ривожланиш вазирлиги Давлат ва муниципал хизматлар реестрини тузиши керак. Фуқароларга минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари кўрсатадиган, энг кўп талабгир ана шундай хизматлар рўйхати шакллантирилди ҳам. Унга соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя органлари, аҳоли бандлиги соҳаси, фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш, маданият муассасалари, шунингдек УКХ тизими, мулкий, ер муносабатларини расмийлаштириш, қурилишда ва бошқа соҳаларда турли инстанциялар кўрсатувчи хизматлар киради.

2-босқич: Коммуникациялар ва алоқа вазирлиги давлат хизматлари тўғрисида ахборот берадиган портал ташкил этмоқда. 15 декабрда Интернетда «бир дарчадан» қоидаси бўйича ишлайдиган Давлат хизматларининг ягона портали (www.gosuslugi.ru) ишга тушди. У Россиянинг бутун аҳолисига федерал даражада (масалан, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш сингари) ҳамда маҳаллий даражада ахборот ва хизматларни электрон шаклда тақдим эта бошлайди. Порталда тақдим этилган функцияларнинг ҳаммасидан ҳам бугунги кунда фойдаланишнинг иложи йўқ. Улар аста-секин жорий этилади.

3-босқич: «бурилиш» босқичи. Давлат хизматини тақдим этишга буюртманомани, шахсий алоқани истисно этиб туриб, қабул қилиш мумкин.

4-босқич: порталда, ишлаб чиқувчиларнинг фикрига кўра, ишларнинг бажарилишини кузатиш имконияти пайдо бўлади. Бироқ бунда идоранинг электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ишлашига тўғри келади.

5-босқич: «охирги босқич». Фойдаланувчи хизматни Интернетдан сўрайди ва амалдорларнинг кабинетларида овора бўлмай, шу ернинг ўзида натижаларга эга бўлади. Ушбу босқич камида 5 йилдан кейин амалга оширилиши кутиляпти.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Аввал-бошдан давлат фаолиятини автоматлаштириш мегаполисларда бошланади, дунёда ҳам бундай лойиҳаларни амалга ошириш бўйича катта тажриба тўпланган. Ахборот тизимлари ва инфратузилмани ривожлантириш, электрон ҳужжат айланишини жорий этиш чиқимлар ва коррупция даражасини камайтириш имконини беради. Дунёнинг турли йирик шаҳарларида «электрон ҳукуматлар» иш сифатини баҳолаш 2003 йилдан буён икки йилда бир марта ўтказилади. 2008 йилда ўтказилган охирги баҳолаш (ҳисоб бўйича учинчи) натижаларига кўра, худди аввалги икки ҳисоблашда бўлганидек, Сеул етакчига айланди. Сеулнинг «электрон ҳукумати» қуйидаги мезонлар бўйича энг юқори баҳолар олди: «ахборотни ҳимоя қилиш», «кўрсатилаётган хизматлар сифати» ва «хизматлардан фойдаланишда фуқароларнинг иштирок этиш миқёси».

Сеулдан ташқари, энг юқори даражада ривожланган «электрон ҳукуматлар» тизимларига эга бўлган шаҳарлар жумласига Гонконг, Хельсинки, Сингапур, Мадрид, Лондон, Токио, Бангкок, Нью-Йорк ва Вена киради. Сингапур тизимида шаҳар аҳолиси мегаполис ҳаётини ташкил этиш бобида ўз хоҳиш ва таклифларининг барчасини айта оладиган сайт бор. Махсус бўлимга кирган фуқаролар ўз муаммолари, савол ва илтимослари билан шаҳар ҳокимига мурожаат қила оладилар. Солиқларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлашнинг электрон тизими мавжуд, унинг ёрдамида уй ёки офисдан чиқмасдан солиққа оид барча расмиятчиликларни тугаллаш мумкин. Ҳозир ушбу мамлакатда 1 600 дан ортиқ хизматлар электрон шаклга ўтказилган.

ҚАТЪИЙ ЗАРУРАТ

Россияда 2007 йилда ишга туширилган «электрон ҳукумат»ни барпо этиш дастури икки манбадан молияланади. Маблағларнинг бир қисми минтақалар ва идораларнинг бюджетларидан келиб тушади. Қолган суммаларни «Электрон Россия» федерал маркази бюджети тақдим этади. Дастурни амалга ошириш Россиянинг Коммуникациялар ва алоқа вазирлигига топширилган, у федерал вазирликлар ва идоралар 2011 йилдан бошлаб россияликларга электрон ҳужжат айланиши режимида хизмат кўрсата бошлашини ваъда қилди.

Дастурнинг қоидаларига кўра «электрон ҳукумат» инфратузилмасини барпо этиш федерал ижроия ҳокимияти органлари, Россия Федерацияси субъектлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ахборот тизимларини, шунингдек умумий фойдаланишдаги инфратузилма элементлари – жамоат қабулхоналари, кутубхоналар ва «Россия почтаси» ФДУКдаги фойдаланиш марказлари, телефон хизматини кўрсатиш идоравий ва минтақавий марказлари, Интернет тармоғидаги давлат органлари сайтларини хизматлар кўрсатишнинг минтақавий кўп функцияли марказларини бирлаштириш орқали амалга оширилади.

Бундан ташқари, «электрон ҳукумат» инфратузилмасининг асосий вазифаларига давлат бошқарувининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мониторинги, устувор миллий вазифалар бажарилишини бошқариш учун ахборот-таҳлил тизимларини барпо этиш киради.

Бош вазирнинг федерал вазирликлар ва идоралардан давлат хизматларини электрон шаклда тақдим этишга ўтказиш жадвалига оғишмай риоя қилинишини қатъиян талаб қилишига қараганда Россияда «электрон ҳукумат»ни барпо этишга жиддий киришилган кўринади.

Хорижий матбуот материалларидан.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

– «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида».

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш якунлари тўғрисида».

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори;

– Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

2010 ЙИЛДА САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ АСОСИДА ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР, БУТЛОВЧИ БУЮМЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 12-сон, 83-модда)

Импорт ҳажми ва таркибини тизимли таҳлил қилишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштиришни рағбатлантириш, экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тармоқлараро ва ички тармоқ саноат кооперациясини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш ва шу асосда аҳоли бандлиги ўсишини таъминлаш ва унинг моддий фаровонлигини ошириш мақсадида:

1. Қайд этиб ўтилсинки, республикада ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича лойиҳалар тайёрлаш ва амалга оширишнинг таъсирчан механизми яратилган, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ваколатлари ҳамда функциялари, уларнинг саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида ҳамкорлик қилиш тартиби аниқ белгилаб берилган, ушбу дастурларни амалга оширишда иштирок этувчи корхоналар учун имтиёз ва преференциялар тизими шакллантирилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан республика хўжалик бирлашмалари ва корхоналари билан биргаликда мавжуд ёндашувлар ва мезонларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган 2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури маъқуллансин. Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

2010 йилда маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 1,45 баравар ўсишини назарда тутувчи саноат маҳсулотлари асосий турларини ишлаб чиқариш ҳажмининг мақсадли параметрлари ва маҳаллийлаштириш даражаси 1-иловага* мувофиқ;

тайёр маҳсулот турлари, бутловчи узеллар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг 2010 йилга ўтувчи лойиҳалари рўйхати 2, 2а, 3 ва 3а-иловаларига* мувофиқ;

тайёр маҳсулот турлари, бутловчи узеллар ва деталлар, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг янги лойиҳалари рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзлаштиришга тавсия этилаётган тайёр маҳсулот турлари, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхати 5-иловага* мувофиқ.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

жорий йилнинг 15 апрелига қадар муддатда 2010 йилда маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳамда уни ишлаб чиқаришнинг мазкур қарор билан тасдиқланган прогноз ҳажмларини бажаришнинг тармоқли жадвалларини тасдиқласин;

бир ой муддатда манфаатдор давлат ва хўжалик бош-

1-5-иловалар «Норма маслаҳатчи»да берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиш мумкин.

№ 14 (247) • 2010 йил 6 апрель

қаруви органлари, шунингдек маҳсулотни маҳаллийлаштириш янги лойиҳаларининг ташаббускорлари билан биргаликда мазкур қарорнинг 4-иловасига* киритилган лойиҳаларнинг паспортлари тайёрланишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ-1236-сон қарори билан тузилган Махсус идоралараро комиссияга тақдим этилишини таъминласин;

2010 йилда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда унинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан аниқ таклифлар билан Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда ахборот бериб турсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари – Вазирлар Маҳкамаси Комплексларининг раҳбарлари мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда икки ой муддатда 5-иловага* киритилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни мамлакатимиз корхоналари ўзлаштиришини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар.

5. Вазирлар Маҳкамасига, Махсус идоралараро комиссиянинг таклифлари бўйича, ушбу қарор билан тасдиқланган 2010 йилги маҳаллийлаштириш Дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин. Дастурга 5-иловага* мувофиқ ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тавсия этилган тайёр маҳсулот турлари, материаллар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича белгиланган тартибда пухта ишлаб чиқилган лойиҳалар киритилсин.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида» 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон қарорининг 3-бандида белгиланган имтиёзлар:

2 ва 3-иловаларга* киритилган корхоналар учун – 2011 йилнинг 1 январигача бўлган даврда;

2а ва 3а-иловаларга* киритилган корхоналар учун – 2012 йилнинг 1 январигача бўлган даврда амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон қарорининг 3-бандида назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиши ушбу қарорнинг 4-иловасига* киритилган корхоналарга лойиҳалар белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилгандан сўнг Махсус идоралараро комиссиянинг қарорларига биноан 2012 йилнинг 1 январигача бўлган даврга жорий этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида фойдаланиладиган буюмлар тоифасига киритиш тўғрисида хулосалар бериш тартиби ҳақидаги янгиланган Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. «Ўзстандарт» агентлиги манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда бир ой муддатда маҳаллийлаштириш Дастури доирасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва дизайнини танқидий таҳлил қилиш асосида, уларнинг сифати ва дизайнини замонавий халқаро талаблар ва стандартлар даражасига етказиш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2010 йилнинг 1 декабрига қадар муддатда 2011 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурини ишлаб чиқишни таъминласин ва уни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2010 йил 23 март
ПҚ-1306-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ТАСАРРУФИДАГИ ЕР УЧАСТКАЛАРИ МАЙДОНЛАРИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 10-11-сон, 77-модда)

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, шунингдек ер, сув ва бошқа моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланилишини таъминлаш, хўжаликларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 22 октябрдаги Ф-3287-сон Фармойишини бажариш юзасидан Махсус комиссия томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

республика вилоятлари ва туманлари бўйича фермер хўжаликларининг ер участкалари майдонларини илгари ўтказилган мақбуллаштириш ва улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги натижаларини таҳлил қилиш;

фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини хатловдан ўтказиш, улардан фойдаланишнинг самарадорлигини, шунингдек фермерларга ер участкалари беришнинг асосланганлигини, холислигини ва ошкоралигини ўрганиш;

фермер хўжаликларининг молиявий аҳволини, моддий-техникавий базаси, меҳнат ресурслари ва айланма маблағларининг мавжудлигини, шунингдек улардан оқилона ва самарали фойдаланилишини ўрганиш ишлари амалга оширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш масалалари бўйича Махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича фермер хўжаликлари ер участкалари майдонларини мақбуллаштиришнинг йиғма якунлари 1-1д-иловаларга* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар бўйича фермер хўжаликлари ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш якунларига кўра ер участкаларининг сони ва ўртача майдонлари 2-15-иловаларга* мувофиқ маъқуллансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда – 2010 йил 25 мартгача бўлган муддатда йириклаштирилган фермер хўжаликлари билан ер участкаларини ижарага олиш, давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси ва бошоқли экинлар дони сотиш, шунингдек моддий-техника ресурслари сотиб олиш ҳамда хизмат кўрсатувчи тармоқлар корхоналари билан хизматлар кўрсатиш юзасидан шартномаларни қайтадан тузиш ишларини тугаллаш чора-тадбирларини кўрсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда тугатилган фермер хўжаликларини юридик шахсларнинг давлат реестридан белгиланган тартибда чиқариш чора-тадбирларини кўрсинлар;

фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа моддий ресурслари сарфланишини тўлақонли ҳисобга олиш жорий этилиши ташкил қилинишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси билан биргаликда фермерлар малакасини оширишнинг мамлакатимиз минтақаларидаги тегишли олий таълим муассасаларида уларнинг бизнесни бошқариш ва юритиш асосларига тизимли ўқитишни назарда тутувчи дастурини бир ой муддатда тайёрласин ва тасдиқласин;

2010 йил 1 ноябргача 2011 – 2015 йилларда қишлоқ хўжалиги экинлари ўстиришнинг намунавий истиқболли технологик хариталарини минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқсин ва фермер хўжаликларига етказсин.

5. «Ўзагромашсервис» уюшмаси, «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда фермер хўжаликларига тегишли равишда минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари етказиб бериш ҳамда сервис хизматлари кўрсатиш ҳажмларини аниқлашда технологик хариталар бўйича моддий-техника ресурслари сарфлашнинг белгиланган нормативларига қатъий амал қилсинлар.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси ўзларига қарашли ташкилотлар томонидан тузилган шартномаларга қатъий мувофиқ равишда фермер хўжаликлари билан пахта хом ашёси ва бошоқли экинлар дони учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши юзасидан назоратни таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси фермер хўжаликлари қонуний манфаатларининг ҳуқуқий жиҳатдан самарали ҳимоя қилинишини таъминласинлар, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишга уринишларга қатъий барҳам берсинлар.

7. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги телевидениеда ҳамда оммавий ахборот воситаларида фермер хўжаликларининг ривожланиши ва фаолияти, қишлоқда ишлаб чиқариш инфратузилмаси такомиллаштирилиши жараёнларини ёритиш бўйича махсус кўрсатувлар ва рукнлар ташкил этсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2010 йил 16 март
47-сон.

***1-15-иловалар берилмайди.**

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ТОМОНИДАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШЛАРНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 1712-1.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 10-11-сон, 80-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги ПҚ-1257-сон «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.,

***2010 йил 27 мартдан кучга киради.**

1-2-сон, 4-модда) асосан Кенгаш **қарор қилади:**

1. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2007 йил 23 августдаги 01-сон қарори билан тасдиқланган «Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг (рўйхат рақами 1712, 2007 йил 3 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 35-36-сон, 370-модда) 1-иловаси қуйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари бошлиқларининг буйруқлари асосида бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари ҳудудида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятида бир марталик йиғимлар ва ижара тўлови тўлиқ тўланиши, назорат-касса машиналаридан, ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилиши, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя қилиниши юзасидан ўтказиладиган ҳар кунлик текширишлар. Бунда, Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан тегишли равишда Кенгаш ёки унинг вилоят ҳудудий комиссияларига ҳар куни ўтказилган текширишлар бўйича текширилган субъектлар, аниқланган ҳолатлар ва кўрилган чоралар тўғрисида кунлик маълумот тақдим этиб борилади».

2. Ушбу қарор Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири,
Республика кенгаши раиси
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2010 йил 24 февраль
02-сон.

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ – ЮРИДИК ШАХСЛАР ФАОЛИЯТИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕКШИРИШЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 1573-1.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 10-11-сон, 81-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги ПҚ-1257-сон «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 4-модда) асосан Кенгаш **қарор қилади:**

1. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2006 йил 11 мартдаги 06-01-01-сон қарори билан тасдиқланган «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг (рўйхат рақами 1573, 2006 йил 6 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 19-сон, 168-модда) 4-иловаси қуйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари бошлиқларининг буйруқлари асосида бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари, шунингдек улар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида бир марталик йиғимлар топширилиши, ижара тўлови тушуми ва ҳисоби тўлиқ юритилиши, назорат-касса машиналаридан, ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилиши, савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя қилиниши юзасидан ўтказиладиган ҳар кунлик текширишлар. Бунда, Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан тегишли равишда Кенгаш ёки унинг вилоят ҳудудий комиссияларига ҳар куни ўтказилган текширишлар бўйича текширилган субъектлар, аниқланган ҳолатлар ва кўрилган чоралар тўғрисида кунлик маълумот тақдим этиб борилади».

2. Ушбу қарор Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири,
Республика кенгаши раиси
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2010 йил 24 февраль
01-сон.

***2010 йил 27 мартдан кучга киради.**

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

top

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 14 (247) 2010 йил 6 апрель

ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ МАҚСАДИДА

Комплект narxi 1350 000 сўмдан бошланг

QUVVAT® ишлаб чиқаради

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон бозорида 12 йил

ЭЛЕКТРОН СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАР

ИССИҚЛИК ҲИСОБЛАГИЧЛАР

SUMMATOR-3

Товарлар сертификатланган Хизматлар лицензияланган

Ангрен ш. +(99870) 662 44 77, +(99893) 182 46 57, Тошкент ш. +(99898) 300 22 67

E-mail: sales@quvvat.uz, web-site: www.quvvat.uz

112-09

Ташкилот нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан қуйидагиларни сотади

♦ ТИҚИНЛИ АРМАТУРА: ЗУЛФИНЛАР, ВЕНТИЛЛАР, КЛАПАНЛАР, ЗАТВОРЛАР, КОНДЕНСАТ ҚАЙТАРГИЧЛАР, КРАНЛАР (зангламайдиган, пўлат, чўян, алюминий, пластмассадан, гуммирланган)

♦ ЛИФТЛАР 100 дан 5000 кг гача (йўловчи, юк ташувчилар)

- Фавворали арматура ⌀65/350
- Насос Х-250-200-315 Т, Х-200-150-500 К-СD-УЗ ПНС-500/10
- Электр, қўлда ишлайдиган насослар
- МСК 1000/350
- Электр таллар, кран-балкалар (қўлда ишлайдиган, электр)
- КТЦ, УКВ, КТН саноат кондиционерлари
- Дизель кўчма электр станцияси 60 кВт
- Муз генератори (30х30 мм ли кубиклар)
- "Россиянка" электр плиталари (4 конфоркали, духовкаси бор)
- Сув, буғда ишлайдиган калориферлар, КИД, КВУ клапанлари
- Гидрантлар, ўт ўчирувчилар енглари

Товар сертификатланган

021-09

Тел./факс 273-83-86, 273-95-90, 175-81-56 (уяли). E-mail:kaspi64@bk.ru

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ

АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ

TÜV CERT

Тошкент ш., Қибрай (собиқ М.Жалил) кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

ATK TURON

САМАРАЛИ ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ ВА ТЕЗКОР БОСМА УЧУН ЕЧИМЛАР

- ✓ Konica Minolta нинг тўлиқ рангли ва монохром копирлари, принтерлари, кўпфункцияли офис тизимлари, сермаҳсул босма тизимлари
- ✓ RISO рақамли мини-босмахоналар, матбаа ускуналарининг кенг доираси
- ✓ ACCO Brands офис ускуналари
- ✓ Персонал компьютерлар ва лицензион дастурий таъминот

KONICA MINOLTA

RISO

ACCO BRANDS

Товар сертификатланган

- Фойдаланишнинг бутун даврига кафолат, техник кузатув
- Оригинал сарфлаш материаллари ва бутловчи буюмлар

100-09

ATK TURON – Konica Minolta, RISO, ACCO Brands нинг расмий ҳамкори

Тел./факс: 237 47 00, 237 48 00. E-mail: info@atcturon.uz. www.atcturon.uz

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2010 йил 22 апрель куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уйда такроран ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: I. Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган Хоразм вилоят хўжалик судининг 23.03.2009 йилдаги 1032-сонли, 30.03.2009 йилдаги 1583-сонли, 05.08.2009 йилдаги 6757-сонли ижро варақаларига асосан "Хоразмқурилиш" ОАЖга қарашли бўлган, Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий ер майдони – 2 305,5 кв. метрни, шундан қурилиш ости ер майдони – 1 288,88 кв. метрни ташкил қилган маъмурий бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 266 229 175 сўм. II. Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган Хоразм вилоят хўжалик судининг 11.05.2009 йилдаги 2483-сонли ва 26.01.2009 йилдаги 17708-сонли ижро варақаларига асосан "Хоразм вилоят МТП бирлашмаси" ОАЖга қарашли бўлган, Ҳонқа кўчаси 36/2-уйда сақланаётган қуйидаги техникалар: 1. "Кейс-2166" русумли 1997 йилда ишлаб чиқарилган 17-57 ЕН давлат белгили техник соз ҳолатидаги комбайн. Бошланғич баҳоси – 89 288 491 сўм. 2. "Кейс-2166" русумли 1997 йилда ишлаб чиқарилган 17-58 ЕН давлат белгили техник соз ҳолатидаги комбайн. Бошланғич баҳоси – 89 288 491 сўм. III. Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган Хоразм вилоят хўжалик судининг 04.01.2008 йилдаги 8023н-сонли ижро варақасига асосан "Хоразм автойўл" махсус йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонасига қарашли бўлган, Урганч шаҳар, Хива шоҳкўчаси 1 км жойлашган, умумий ер майдони – 32 792,37 кв. метрни, қурилиш ости ер майдони – 4 940,34 кв. метрни ташкил қилган автобаза бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 196 492 322 сўм.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги мулклар 2010 йил 22 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, сотилмаган мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йил 7 май куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Шунингдек 2010 йил 7 май куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган Хоразм вилоят хўжалик судининг 23.11.2009 йилдаги 11870-сонли ижро варақасига асосан "Хоразмқурилиш" МЧЖга қарашли бўлган, Урганч шаҳри, И.Досов кўчаси, 114-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони – 9 350 кв. метрни ташкил қилган тайёр маҳсулотлар сақлаш омбори (6 та мостовой кран, 68 та бетон устун, 1080 п/метр темир балка, 11 дона темир боғлама, 12 дона темир зиналаридан иборат). Бошланғич баҳоси – 463 750 976 сўм, қурилиш ости ер майдони – 30 кв. метр бўлган новвойхона биноси. Бошланғич баҳоси – 4 861 375 сўм, қурилиш ости ер майдони – 75,9 кв. метр бўлган ертўла биноси. Бошланғич баҳоси – 3 706 794 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 8 (362) 226-43-64 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотека» банки «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, ИНН: 200933850. Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Телефон: 8 (362) 226-32-63, факс: 224-36-97.

Диққат! РКМБ марказий идорасининг қуйидаги мол-мулкларнинг аукцион савдоси тўхтатилганлигини маълум қилади: Миробод тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб, "Солиқ ва Божхона хабарлари" газетасининг 01.03.2010 йилдаги 9(242)-сонида чоп этилган хабарнома билан аукцион савдосига чиқарилган, "STONE EXPRESS" МЧЖ ва "EAST PRODUKTIONS" МЧЖларга тегишли мол-мулклар: **1.** "BARSANTI MACCHINE" русумли мармар кесиш ва қайта ишлов бериш учун мўлжалланган дастгоҳ-ускуналари. **2.** Тошкент ш., Шайхонтоҳур т., массив Бешёғоч, 4-уй манзилда жойлашган, 790 кв. м ер майдони, 783 кв. м фойдаланиш майдонидан иборат бўлган, 9 қаватли бинонинг 1-қавати қисми. **3.** Тошкент ш., Ҳамза т., Мусахонов кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, 11 088 кв. м ер майдони, 6 274 кв. м фойдаланиш майдонидан иборат бўлган, 1 қаватли биноси. **4.** Тошкент ш., Ҳамза т., Мусахонов кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, 3 132 кв. м ер майдони, 1 543 кв. м фойдаланиш майдонидан иборат бўлган, 1 қаватли биносидан иборат мол-мулкларни аукцион савдоси тўхтатилди. Асос: Миробод туман суд ижрочилари бўлимининг 22.03.2010 йилдаги 6995-10/22-сонли хати. Манзилимиз: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел. 228-7952. www.rkmb.uz.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	КТУТ	Рўйхатдан ўтган рақами ва санаси		Қарор санаси
"NAU IK" АУДИТОР. ТАШК.	203915736	18310770	80	27.02.2002й.	06.05.08
"AVERS-AUDIT" АТ	203777046	17764049	35	11.12.2001й.	21.05.08
"RUNA AUDIT" АТ	206462365	20439034	352	24.04.2006й.	30.05.08
"BISYOR-AUDIT" АТ	204266017	18726312	142	26.11.2002й.	30.05.08
"AFZAL-AUDIT" АТ	204625764	19065433	175	22.07.2003й.	21.05.08
"Мобил-СУМ" АТ	201784443	16243621	147	17.05.1996й.	20.05.08
"HISOBOT-TAHLIL" АУДИТОР.КОМП.	204099802	18557513	113	09.07.2002й.	30.05.08
"ANATOL-AUDIT" АФ	203791441	18310161	40	20.12.2001й.	30.05.08
"АДОЛАТДА-БАРАКА" ХФ	201675998	16106930	121	09.12.1996й.	20.05.08
"KMB-AUDIT" АФ	204756166	19284336	206	22.12.2003й.	20.05.08
"AUDIT-RUMIS" АФ	202344561	16695300	397	24.07.1997й.	21.05.08
"SAIDOV GROUP" ХАТ	204748610	19284282	204	15.12.2003й.	30.05.08
"ISTIQLOL-AUDIT" АФ	203591825	18027815	621	12.04.2001й.	20.05.08
"OLIY-AUDIT" ХАЖ	202295648	16625096	379	03.06.1997й.	30.05.08

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани Ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан Тошкент шаҳар махсус комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади. Тел. 235-87-26.

• РЎЙХАТЛАР

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги тугатилган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	СТИР
"ALFA-GALINA" ХК	205292927
"GAZA" МЧЖ	202342754
"DAURAN AUMAT" МЧЖ	301034082
"AZIYA MOBIL SERVIS" МЧЖ	300668988
"KREPOST SERVIS" МЧЖ	300857104
"MINIMAX TEXTILE" МЧЖ	300710216
"LEVEL TRADE PLUS" ХК	301063166
"SERGEY-RUSTAM" ХК	202460244
"SHUXRAT SAVOB-SERVIS" ХК	300803954
"DKG EKKOTEK" МЧЖ	205712569
"NISH-LIDER" ХК	205445576
"BALAND-BISINES SERVIS"МЧЖ	300548535
"PUBLIC PAYPHONE" МЧЖ	205452877
"CORNER" ХК	300896064
"INFO DIAMOND SERVIS" ҚК	300383759
"AVTODIADOC SERVICE" МЧЖ	300862597
"IB SERVIS PLYUS" МЧЖ	206323577
"NASHIRLAR DUNYOSI" МЧЖ	205570944
"MOXINUR VA FIRDAVS" МЧЖ	300797076
"BAUHAUS DESIGN" МЧЖ	300768468
"FABRUDO-FAZLIY" ХК	205857640
"SINTEZ PLAST PLUS" ШК ХП	300768000
"AXRORXON SAVDO" МЧЖ	300715501
"DIANA BIZNES" ХК	300861069
"ER-YUSUB VA DILSHOD" ХК	206676960

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр, бурчак штамплари, корхона рўйхатдан ўтган таъсис ҳужжатлари ва рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторлари даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 122-уй манзилгоҳи бўйича Олти ой ва ундан ортиқ вақт мобайнида фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади.

"Аудит-ВАРН" МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ҲУДУДИДА, БҲМС ВА МҲХС БЎЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ
126-10
2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия
Тел.: 8(371) 2762099, уяли +99897 1192248
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42.,
Тошкент вил., тел. +99897 4541664
Жиззах вил., Самарқанд вил.,
тел.: +99897 7725296, +99897 1192248

ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси.
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.
"AMIR-AUDIT" МЧЖ
• Ҳамма турдаги аудиторлик хизматлари
• Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш
Устав капиталимиз - ЎзРдаги 5000 ЭКИХдан ортиқ
САР сертификатига эга аудиторлар керак.
Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

"NAZORAT-AUDIT" МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
МВнинг 28.07.2006 йилдаги 00067-сон лицензияси
Барча хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувлари
Хизматлар халқаро малакага эга аудиторлар томонидан кўрсатилади
e-mail: nazorat_audit@mail.ru
8-371-2794716, +99897 402-05-00
+99869 258-57-97, +99897 340-98-65
8-371-2794401

"AUDIT INCOME" МЧЖ
барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказамиз
Н1375
Хизматлар лицензияланган 29.12.2007 йилдаги АФ 00181-сон лицензия.
БАРЧА ТУРДАГИ ХИЗМАТЛАР:
• аудиторлик • солиқ солиш
• консалтинг • тиклаш
Бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, "1С: Бухгалтерия", шунингдек янги барпо этилаётган ташкилотлар учун хизматлар ва бошқа малакали хизматлар.
Манзил: Тошкент ш., Сарабўстон кўч., 3а, 2/15 корпус
тел.: (+99871) 256-25-18, 254-06-08
e-mail: inkam_co@mail.ru www.audit-income.uz

ЭЪЛОНЛАР

ИШ

"Katering" МЧЖ ҚК доимий ишга қуйидаги мутахассислар қабул қилинади:

1. Улгуржи савдо бош бухгалтери.

Номзодга қўйиладиган талаблар: олий маълумот, бош бухгалтер лавозимида камида 4 йиллик иш тажрибаси, "1С"ни, Microsoft Office стандарт дастурларини билиш, ёши – 35 гача бўлсин.

2. Бухгалтерлар ёрдамчилари.

Номзодга қўйиладиган талаблар: 1,5-2 йиллик иш тажрибаси, "1С"ни, Microsoft Office стандарт дастурларини билиш, ёши – 30 гача бўлсин.

3. Савдо шохобчаларига хизмат кўрсатувчи менежер – савдо вакили.

Номзодга қўйиладиган талаблар: техник маълумот, камида 2-3 йиллик иш тажрибаси, "В" тоифасидаги ҳайдовчилик гувоҳномаси, шахсий автотранспорти бўлгани мақбул, эркак, ёши – 30 гача бўлсин.

Иш жадвали – душанбадан жумагача, соат 9.00 дан 18.00 гача.

Резюмени 254-04-19 факси, e-mail: isaycheva. e@smgccar.com орқали юборинг. Тел. 120-61-89

Баҳоловчилар керак. Тел.: (+99890) 302-68-60, 353-04-64.

БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ

Баланслар. Маслаҳатлар бериш. Тел. 100-65-80.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ. АРЗОН.* Тел. 176-23-13.

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари.* Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

"SHARQIY MASLAK" аудиторлик ташкилоти ташаббусли аудиторлик текширувларни ўтказади, профессионал хизматларни кўрсатади. Тел. 733-17-29, факс 250-37-75.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр.* Тел. 448-74-69.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш.* Тел.: 343-41-56, 448-74-69.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, ускуналарни қайта баҳолаш.* Тел.: (+99898) 302-68-60, 245-75-47.

ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ

"Декларант-плюс" дастури. БЮДни тўлдириш, божхона тўловлари ҳисоб-китоби, муҳрлаш, ДБҚга электрон нусхасини юбориш. Батафсил маълумотлар http://mind-system.narod.ru сайтида.

ХИЗМАТЛАР

Таржималар бюроси: турли ҳужжатларни малакали таржима қилиш. Қонунийлаштириш. Тел.: 252-38-71, 454-80-01.

Видео-, фотосуратга олиш.* Тел. (+99897) 709-20-17.

Корхона ва ташкилотларга. Турли металл конструкциялар тайёрлаймиз. Тўлов – исталган шаклда. Терминал. Тел. 100-10-81.

*Хизматлар лицензияланган.

• РЎЙХАТЛАР

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 28 декабрдаги 11-0906/21832(19)-сонли ажримига асосан Ўртачирчиқ туманида жойлашган "Қишлоқхўжаликкимё" Кучлик туманлараро филиали" банкрот деб топиш бўйича иш юритишга қабул қилинган ва кузатув жараёни бошланган, назорат тартибини ўрнатиш белгиланган. Муваққат бошқарувчи этиб А.Анаркулов тайинланган. Кредиторларнинг йиғилиши 2010 йил 14 апрель соат 12.00 да Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Пахтаобод ҚФЙ, Кучлик қўрғони, 29-уйда ўтказилиши белгиланган. Мажлисга кредитор вакили ишончнома ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан келиши шарт.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 10 мартдаги 10-1014/1043-сонли ҳал қилув қарорига асосан Юнусобод туманидаги "OPOLA PROGRAM TRADE" МЧЖга нисбатан банкротликнинг кузатув жараёни бекор қилиниб, банкрот деб эълон қилинди ва тугатишга доир ишлар очилган. Тугатиш бошқарувчиси этиб М.Қурбонов тайинланган. Кредиторларнинг 2-йиғилиши 2010 йил 9 апрель соат 15.00 да Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 17-хонада ўтказилади. Корхонага тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси бекор қилинади. Ушбу корхонага нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биносиз, 2-қават, 17-хонада қабул қилинади. Тел. 235-74-88.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 11 январдаги 10-0907/17411-сонли ҳал қилув қарорига асосан МЧЖ шаклидаги "BERIVAN INVEST" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси банкрот деб эълон қилинган ва тугатишга доир иш очилган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Юнусобод туман ДСИ ходими Г.Раҳимова тайинланган. Мазкур корхонанинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, муҳр ва бурчак тамғалари, рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Қарздор тугатилаётганлиги муносабати билан унинг ходимлари билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинади.

***

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 28 декабрдаги 11-0906/21830(19)-сонли ажримига асосан Ўртачирчиқ туманидаги Машина трактор парки давлат акциядорлик жамияти банкрот деб топиш бўйича иш юритишга қабул қилинган ва кузатув жараёни бошланган, назорат тартибини ўрнатиш белгиланган. Муваққат бошқарувчи этиб А.Анаркулов тайинланган. Кредиторларнинг йиғилиши 2010 йил 14 апрель соат 11.00 да Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ, Тошкент йўли, 54-уйда ўтказилиши белгиланган. Мажлисга кредитор вакили ишончнома ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан келиши шарт.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 25 мартдаги 10-1009/3816-сонли ҳал қилув қарорига асосан Учтепа туманида рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Расулов Комил Собиржонович банкрот деб топилган. Тугатув бошқарувчиси этиб О.Пўлатова тайинланган. Якка тартибдаги тадбиркорга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва учбурчакли тамға ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинган. Даъволар 2 ой мобайнида Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1а-уй, 309-хонада қабул қилинади. Тел. 275-95-10.

***

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 24 мартдаги қарорларига асосан Собир Раҳимов туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	СТИР	Раҳбар Исм-шарифи	Манзили	Қарор рақами
"SPORT-MOTO" МЧЖ	205764726	Н.Умаров	ҚораСу-4, 6-70	10-1014/3200
"BABUR-SAMIM TOSHKENT" МЧЖ	300738884	Г.Рахматуллах	Ойбек кўч., 49-73	10-1014/3190
"ABLE-BODIED BUSINESS" ХК	300660549	Ф.Камилов	Марказ-22, 103	10-1014/3189
"UMID PLUS" ХК	301023864	Б.Алимуҳамедов	Юнусобод-15, 16-12	10-1014/3194
"YANGI MODEL DIZAYN" ХК	300459678	Татьяна Ким	Бобожонов кўч., 36-36	10-1014/3202
"GRAND RADIAL BUSINESS" МЧЖ	300755738	С.Ахмедова	Жар ариқ кўч., 7-12	10-1014/3195
"BAXTIYOR AVTO" МЧЖ	206997601	Ш.Мойдинов	Себзор, 11, 82/101	10-1014/3193
"ZUMRUT YAPI MALZEMELERI" МЧЖ	301025386	Уздемир Мустафа	Уста Ширин кўч., 124	10-1014/3186
"YANGI DAVR YUKSALISH" МЧЖ	206905209	Г.Насирдаева	Кунаев кўч., 41-18	10-1014/3201
"GOLD CALIBRE BUSINESS" МЧЖ	301121354	Т.Каипов	Юнусобод-4, 7-2	10-1014/3185
"DIYONAT OMAD RIVOJ" ХК	301284144	Ш.Исломова	F.Ғулом кўч., Ц-17/18, Ю бекат мажмуаси(дўкон)	10-1014/3187
"GOLD UNIVERSAL OPTIMAL" МЧЖ	206970106	С.Таджиддинов	Сағбон, т-7, 26	10-1014/3192
"DREAM-TOUR" МЧЖ	206971358	К.Атаджанова	Уста Олим кўч., 3	10-1014/3196
"KOMIL TRANSS" МЧЖ	301193868	Ш.Собиров	Дўстлик 3-тор кўч., 3	10-1014/3188
"WHALE-TRADE-INVEST" МЧЖ	206849167	Т.Аюпов	Чувалачи тор кўч., 8	10-1014/3197
"MUNIR ZIYO" ХК	300796877	Г.Мирдадаева	Сағбон, пр.Шоший, 29	10-1014/3191
"RAMZ-RAHMON" МЧЖ	204617401	А.Ахунов	Форобий кўч., 356	10-1014/3212
"QO'SHTUT-RKA" ХК	204918399	Р.Қосимов	Форобий кўч., т-17, 19	10-1014/3198
"FLYUNING FARIDA" ХК	301127117	А.Юсупов	Лангар кўч., 114	10-1014/3211

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр, бурчак тамғалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат давомида Собир Раҳимов тумани ҳокимияти махсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 17 мартдаги ҳал қилув қарорларига асосан Собир Раҳимов туманидаги банкрот деб топилган ва тугатиш жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
"Kelajak Nur Qurilish" ШК	10-1014/1588
"Barqaror Imorat" МЧЖ	10-1014/1585
"Raximov Quruvchi Montaj" ШК	10-1014/1584
"Sibir Prominvest" МЧЖ	10-1014/1587
"Fayz Quruvchi Servis" МЧЖ	10-1014/1586

Тугатув бошқарувчиси этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходимлари Б.Хаитбоев, Х.Қосимов ва Қ.Сайдуллаев тайинланган. Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳри ва тўртбурчакли штамплари бекор қилинади. Ушбу корхоналарга алоқадор шахслар ва корхоналар 1 ой давомида ўз аризалари билан мурожаатларини Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 111-хонага билдиришлари мумкин.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ
2005 йил январдан чиқа бошлаган
ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ
Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди.
Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 524 Адади 5400. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2010 йил 2 апрелда соат 19.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223